

## ИЧИМЛИК СУВИГА ҚЎЙИЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР ВА УНДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

*Каршиева Д.Р*

*Бухоро давлат тиббиёт институти*

*karshiyeva.dilovar@bsmi.uz*

*<https://orcid.org/0009-0002-4850-0074>*

**Аннотация.** Сўнгги йилларда бутун дунё жамоатчилигини ичимлик суви билан боғлиқ вазият хавотирга солиб келмоқда. Иқлимнинг исиб кетиши ва сув ресурсларидан ноқилона фойдаланиш ичимлик суви инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса миллионлаб кишининг ҳаётини хавф остига қўйибгина қолмай, балки хавфли ижтимоий-иқтисодий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

**Калит сўзлар.** Инвазиялар, захарланишлар, эндемик ноюқумли касалликлар, сапрофит микроорганизмлар.

Халқаро метереолигия ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилга бориб ер юзи аҳолисининг 5 миллиарди етарли даражадаги ичимлик сувидан бебаҳра қолиши мумкин. 2018 йилги маълумотларга қараганда, ўша йили 3,6 миллиард инсон камида бир ой ичимлик сувсиз қолган. Ташкилот ҳисоботи 20 дан ортиқ халқаро ташкилот ва илмий марказ томонидан берилган хулосалар асосида қилинган. У тақдим этаётган рақамлар даҳшатли эканини кўриш мумкин. Масалан, саноатлаштиришгача бўлган даврдан бошлаб ҳозирга қадар намчил ҳудудларнинг 80 фоизи йўқ бўлиб кетган. Шунингдек, охириги 20 йилда ичимлик суви захираси ҳар йили бир сантиметрга пасайиб бормоқда. Бунда ёғингарчилик, ер ости ва ер усти сувлари, музликларни қўшиб ҳисоблаш ҳам киради. Қурғоқчиликнинг давомийлиги охириги 20 йилда 29 фоизга ошган.

Сувсизлик кўплаб давлатлар учун асосий муаммога айланади. Айниқса Африка давлатлари учун бу оғир кечиши кутилмоқда. Ҳозирда 2 миллиарддан ортиқ инсон сув танқис бўлган мамлакатларда яшайди ва уларнинг ичимлик суви ва канализация етишмовчилигидан азият чекмоқда. 2015 йилда тўғридан-тўғри ичимлик сувига эга бўлмаган дунё аҳолиси 844 миллионни ташкил қилган. Шу билан биргаликда, фақатгина 39 фоиз дунё аҳолиси канализациядан фойдаланиш имконига эга.

Шарқий Африка давлатлари бу борада энг кўп зарар кўрмоқда. Climate Hazards маркази мутахассиси Крис Функнинг таъкидлашича, ҳудудда 1999 йилдан олдин қурғоқчилик мавсуми фақат ёмғир ёғмайдиган пайтлардагина 5-6 йилда бир марта юз берган бўлса, 2000 йилдан буён март ва май оралиғида ҳар

йили қурғоқчилик кузатилмоқда. Ўтган йилнинг июнь ойида Мадагаскар иқлим ўзгаришлари келтириб чиқарган қурғоқчилик сабабли очликка йўлиққан дунёдаги биринчи мамлакат сифатида қайд этилган эди.

Сўнгги йилларда бутун дунё жамоатчилигини ичимлик суви билан боғлиқ вазият хавотирга солиб келмоқда. Иқлимнинг исиб кетиши ва сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш ичимлик суви инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса миллионлаб кишининг ҳаётини хавф остига қўйибгина қолмай, балки хавfli ижтимоий-иқтисодий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Африкадаги каби қурғоқчиликдан бошқа ерлар зарар кўрмайди, дейиш хато бўлади. Масалан, Бразилия сўнгги 91 йилдаги ўз тарихидаги энг йирик қурғоқчиликни бошидан ўтказмоқда. Бу эса ўз навбатида унинг энергосистемасига ҳам таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатдаги асосий электр энергияси гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилади. АҚШнинг Калифорния штати қурғоқчилик сабаб кенг кўламдаги ўрмон ёнғинлари остида қолмоқда бир неча йилдан буён. Шунингдек, Австралия, Франция, Туркия каби давлатларда ҳам қурғоқчилик, иссиқ ҳаво сабаб ўрмон ёнғинлари юз бермоқда.

Қурғоқчилик, ўрмон ёнғинлари билан бир қаторда, бошқа жойларда сув тошқинлари ҳам юз бериши кузатилмоқда. Шуниси ҳайратланарлики, 2000 йилдан буён сув тошқинлари билан боғлиқ фожиалар олдинги йилларга нисбатан 134 фоизга ошган. 1970 йилдан буён сув тошқинлари оқибатида 322 минг инсон ҳалок бўлган бўлса, уларнинг иқтисодий зарари 1,14 миллиард долларни ташкил қилади. Бу йил ёзда Покистонда кузатилган йирик сув тошқинларида минглаб одамлар ҳалок бўлгани, бу борадаги рақамларга янада таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги чучук сув ресурсларининг 72 фоизини ўзлаштирадиган асосий заиф нуқта бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда Марказий Осиёдаги сув ресурсларининг 90 фоизи суғорма деҳқончилик учун ишлатилмоқда. Сув қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланади ва бу тармоқ Марказий Осиёдаги бешта мамлакат иқтисодиётида ҳам муҳим роль ўйнайди, чунки қишлоқ хўжалиги соҳаси бу мамлакатлар ЯИМнинг 10 фоизидан 45 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади. Шунингдек, қишлоқ жойлардаги аҳолининг 20 фоиздан кўп қисми шу тармоқ орқали иш билан таъминланган ва тирикчилик қилади.

Марказий Осиё минтақасида сувдан фойдаланишда минтақа давлатлари орасида вазият анча таранглигича қолмоқда. Буни Тошкент ва Бишкек ўртасидаги Кампиробод сув омбори борасидаги келишувларнинг узокқа чўзилганидан ҳам билиш мумкин. Шунингдек, аввалги маъмурият давридаги Қирғизистондаги Қамбарота, Тожикистондаги Роғун ГЭСлари атрофидаги таранглик охириги йилларда анча юмшади. Аслида сувдан унумли фойдаланиш минтақанинг барча мамлакатларига хос муаммо. Масалан, Тожикистон шимолида Қирғизистон билан бу муаммо ҳалигача сақланиб турибди.

Европа давлатларида ҳам қишлоқ хўжалигидаги исроф бўлаётган чучук сув захиралари катта муаммо ҳисобланади. Европа ҳисоб палатаси ҳисоботида таъқдиланишича, Европа қишлоқ хўжалиги сиёсати сувнинг исроф бўлишини таъмонлайди. Чунки асосий молиялаштириладиган маҳсулотлар сувни кўп талаб қиладиган маҳсулотлар ҳисобланади. Хусусан, гуруч, ёнғоқ ва мева-сабзавот. Шунингдек, бу маҳсулотлар етиштириладиган ҳудудлар ҳам сув танқис ҳудудларга тўғри келади.

Сувнинг бундай ишлатилиши ва қурғоқчилик ортидан тоза ичимлик суви танқислиги жараёни яна тезлашиши мумкин. Бу эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. БМТ ҳисоботларига кўра, сифатли ичимлик суви билан етарли таъминланмаганлик ва оқова сувлари тармоқларининг ишламаслиги оқибатида ҳар йили дунёда 780 минг киши дезинтерия ва холера (вабо)дан вафот этади. Бу сиёсий низолар, эпидемиялар ва зилзилалар оқибатида ҳалок бўлганлар сонидан кўп дегани. Юнисеф маълумотларига кўра эса, ҳар йили тоза ичимлик суви етишмаслиги оқибатида дунёда 361 минг беш ёшдан кичик бўлган болалар диареядан вафот этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ann C. Grandjean „3“, . *Water Requirements, Impinging Factors, & Recommended Intakes*. World Health Organization, August 2004 — 25–34-bet. This 2004 article focuses on the USA context and uses data collected from the US military.
2. ↑ [Exposure Factors Handbook: 2011 Edition](#). National Center for Environmental Assessment, September 2011. Qaraldi: 2015-yil 24-may.
3. ↑ Yamada, Yosuke; Zhang, Xueying; Henderson, Mary E. T.; Sagayama, Hiroyuki; Pontzer, Herman; Speakman, John R. (2022). "[Variation in human water turnover associated with environmental and lifestyle factors](#)" (en). *Science* **378** (6622): 909–915. doi:10.1126/science.abm8668. PMID 36423296. PMC 9764345.
4. ↑ [Jump up to:4.0 4.1 4.2 „Water Fact sheet N°391“](#) (2014-yil iyul). 2015-yil 5-iyunda asl nusxadan [arxivlangan](#). Qaraldi: 2015-yil 24-may.
5. ↑ Lord, Jackson; Thomas, Ashley; Treat, Neil; Forkin, Matthew; Bain, Robert; Dulac, Pierre; Behroozi, Cyrus H.; Mamutov, Tilek *et al.* (October 2021). "[Global potential for harvesting drinking water from air using solar energy](#)" (en). *Nature* **598** (7882): 611–617. doi:10.1038/s41586-021-03900-w. ISSN 1476-4687. PMID 34707305. PMC 8550973.
6. ↑ Jasechko, Scott; Perrone, Debra (23 April 2021). "[Global groundwater wells at risk of running dry](#)" (en). *Science* **372** (6540): 418–421. doi:10.1126/science.abc2755. ISSN 0036-8075. PMID 33888642. Qaraldi: 10 May 2021. [Ичимлик суви]]

7. ↑ Mayer, P. W.; DeOreo, W. B.; Opitz, E. M.; Kiefer, J. C.; Davis, W. Y.; Dziegielewski, B.; & Nelson, J. O., 1999. Residential End Uses of Water. AWWARF and AWWA, Denver.
8. ↑ William B. DeOreo, Peter Mayer, Benedykt Dziegielewski, Jack Kiefer. 2016. Residential End Uses of Water, Version 2. Water Research Foundation. Denver, Colorado.
9. ↑ Joseph Cotruvo, Victor Kimm, Arden Calvert. „[Drinking Water: A Half Century of Progress.](#)“ EPA Alumni Association. 1 March 2016.
10. ↑ *Schardt, David.* „[Water, Water Everywhere](#)“. Center for Science in the Public Interest (2000). 2009-yil 16-mayda asl nusxadan [arxivlangan](#).
11. ↑ „[Our water – Water supply](#)“. *Christchurch City Council*. 2015-yil 12-mayda asl nusxadan [arxivlangan](#).
12. ↑ (PDF) [Guidelines for Drinking-water Quality](#) (Report) (4 nashri). World Health Organization. 2017. pp. 631. [ISBN 978-92-4-154995-0](#).